



Соҳибхабар ва жарчилар ва уларнинг иш
тадбирлари ҳақида



Подшоҳга раият ва лашкар ахволдан тўла ха-бардор бўлиш ва уларга канча харажат кетишини билиш вожибдир. Агарда шундай бўлмаса, катта хато бўлади. Амалдорлар ситамкорликка кўл ура-дилар ва мамлакатда содир бўлаётган фасод ва золимликдан подшоҳнинг ё хабари бор ёки йўқ, дейдилар. Агарда била туриб ман килмаса, унда у ҳам шуларга ўхшаган золимлик килган ва ўзи зулму ситамга розилик берган бўлади ва агарда билмаса, демак, у гофилдир. Хар икки ҳолат ҳам яхши эмас. Шундай экан, соҳибхабарга ҳожат сезилади.

Подшоҳлар жохилият давридан ислом замонига қадар ҳамиша соҳибхабарларга эга бўлиб, уларнинг ҳамма ишларидан хабарлари бор экан. Агарда бирор киши бир коп сомон ё битта товукни зўравонлик билан кўлга киритган бўлса, хатто беш юз фарсанг узокликда бўлса ҳам, подшоҳ шундан хабардор бўлиб ва шу ситам килувчига жазо бериб, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса, ҳамма жойларга хушёр кишиларни қўйиб, золимлар қўлини қискар-тирса, бундай подшоҳ уйғокдир. Шунда одамлар унинг адолати соясида ўз касб-хунари билан машғул бўладилар, лекин бу ишлар шундай кишилар қўлида бўлсинки, улар холис бўлиб, гараз билан иш тутмасин-лар, чунки мамлакатнинг тинчлиги ҳам, фасоди ҳам уларга боглик. Соҳибхабарлар бошқалар томонидан эмас, фақат подшоҳ томонидан ишга тайинланади-лар. Уларнинг маошлари хазинадан берилади. Подшоҳдан бошқа бирор киши уларнинг нима иш билан машғул эканликларини билиши мумкин эмас, токи бирор нима содир бўлса, подшоҳ билсин ва нимани вожиб тутса, шуни буюрсин. Агарда (подшоҳ) шундай йўл тутса, одамлар итоатда бўлиб, подшоҳ сиёсатидан кўркадилар. Шунда ҳеч ким подшоҳга қарши исён кўтаришни орзу ҳам килмайди. Соҳибхабар ва мунхий (хабарчи)ларнинг бўлиши подшоҳнинг адолатидан ва қучли

тафаккуридан дарак бериб, вилоят ободонлигига каратилган бўлади.

Хикоят

Султон Махмуд Ирок вилоятини олганида бир аёл карвон билан Кажин дайри работига келган эди. Ўғрилар унинг нарсаларини ўғирлаб кетдилар. Улар Кўчи балуж авлодидан эдилар. Кўчи балуж Кирмон вилоятига якиндир. Шу аёл Султон Махмуд олдида борди ва зулмдан шикоят килди:

- Ўғрилар менинг нарсаларимни олиб Кажин работига олиб кетдилар. Молларимни улардан кайтиб олиб бер ё товонини тўлагин.
- Махмуд деди:
- Кажин дайри каерда?
- Шунча вилоятларни босиб олиб, улар каерда эканликларини билмайсанми?
- Тўғри айтасан, - дейди Махмуд, - лекин, улар кайси тоифадан эдилар?
- Кўчи балуждан, Кирмон якинидан келган эканлар.
- У ер жуда узок ва вилоятимиздан ташкарида. Менинг фармоним уларга ўтмайди.
- Сен кандай жахон подшоҳисанки, ўз мартабангга ярамайсан, сен кандай чўпонсанки, кўйни бўридан саклолмайсан?!

Махмуднинг кўзларига ёш келди ва у деди:

- Тўғри айтасан, нарсаларингнинг товонини сенга бераман ва кўлимдан нима келса, киламан.

У аёлнинг нарсалари товонини хазина хисобидан тўлашни буюради.

Кирмон амири Абу Али Илёс номига хат ёзиб, элчи юбориб дедик, Ирокка келишимдан мақсад Ирокни олиш эмас эди, мен Хиндистонда анчадан буён газовот билан машгул эдим. Лекин Ирок мусулмонлари номидан кетма-кет хатлар келяптики, дайлабийлар Ирокда зулму ситам билан шугулланиб, ошкора бидъат қилаётган ва йўловчилар изидан бориб, гўзал аёл ё чиройли болаларни тутиб, саройларига олиб бориб, шарманда этаётган эканлар. Уларни банди қилиб, хохлаган вақтларида ушлаб, хохлаган вақтларида қўйиб юбораётирлар, Пайгамбар ёрлари алайхиму-р-ризвон ва расул салавоту васаллам номларига лаънатлар айтиб, Оишаи сиддикани «зония» (фоҳиша) деб ҳақоратлайдилар. Мукаттеълари йилда икки-уч марта раиятдан хирож олмоқдалар. Мажд уд-давла деган подшоҳни «шаҳаншоҳ» деб эълон қилишибди. Унинг тўққизта манкуха хотини бўлиб, раият ўртасида ҳар бир шаҳар ва ноҳияда занодика ҳамда ботиния мазҳабларини тарғиб қилиб, Худо ва унинг Расулини ҳақоратлаб, намозу рўза ва ҳажни инкор этиб юришибди. На мукаттеълар уларни бу йўлдан қайтароладилар ва на булар мукаттеъларга «сизлар нега саҳобалар ризвонуллоҳи алайҳи ажмаъинларга жафо қиласизлар?», - деб айта оладилар. Иккала гуруҳ ҳам бир-бирлари билан тил топишган экан. Бу ҳол менга маълум бўлди-ю, бу ишни Хиндистон газотидан ҳам муҳимроқ деб Ирокка қараб келдим. Ҳамма покиза, мусулмон, ханафий мазҳаб турклардан иборат лашкарни дайлабийлар, занодика ва ботинийларга қарши қўйдик, токи уларнинг уругини ҳам қолдирмай йўқ қилишсин. Баъзилари қиличдан ўтказилди, айримлари банди бўлиб зиндонга тушдилар, яна бирлари оламда сарсон увора. Ва

хожалар ва Хуросон мутасаррифларига амал ва касб бериб, уларни ханафий ва шофиъий мазҳаб килишни буюрдим. Бу иккала тоифа рофизий ва ботинийларга душмандир. Ирок дабирини калам тебратишга кўймадик. Билганимиз шу бўлдики, Ирок дабирлари кўпроқ шулардан бўлиб, туркларга қарши иш тутар эканлар. Тез муддатда Худойи азза ва жалла мадади билан Ирок мулкини шундай бадмазҳаблардан покладик, чунки Тангри бизни шу учун яратиб, халқбоши килиб қўбган экан, токи Ер юзини фасодчилардан бўшатиб, сипоҳ ахлини химоя этайлик, оламни адолат ва инсоф билан обод қилайлик. Шундай вақтда менга маълум бўлдики, Кўчи балуж деган кавм Дайри Кажин работига бостириб кириб, нарсаларни олиб кетмишлар. Сен уларни ушлаб, нарсаларни қайтариб олишингни ёки ўзларини арконга боғлаб, ўгирланган моллари билан шахримизга юборишингни истайман, токи Кирмондан менинг вилоятимга бостириб киришни бошқа ўйламасинлар, илло Кирмон Суманотдан узок эмас. Бўлмаса, Кирмонга қўшин юбориб, у ернинг халқига жазо бераман.

Элчи бу хабарни етказганида Абу Али Илёс каттик кўриб кетди, элчига марҳаматлар кўрсатиб, жавохирлар ва турли бойликлар бериб, Махмуд хизматига юбориб деди: «Мен бир фармонбардор бандаман. Маликка банданинг ва Кирмон вилоятининг ахволи маълум эмасми? Мен бирор-бир фасодга розилик берганим йўқ. Халқ ҳам ахил ва иноқдир. Тоглар Кирмонни Кўчи балуждан тўсиб туради. Тоғу даралари мустаҳкам, йўлларида ўтиш қийин. Ўзим ҳам улардан безор бўлганман, чунки улар ўғри ва фасодчилардир, икки юз фарсанг кела-диган йўлларни тўсиб қарокчилик қилиб юрадилар. Жуда ҳам кўпчилик, мен уларга бас қелолмайман. Олам султони қучлидир ва бунинг тадбирини халқ олади, мен фармонни бажараман, деб хизматга бел боғладим».

Махмуд бу жавобни эшитиб ва Абу Али Илёснинг хизматга тайёр эканлигини кўриб билдики, унинг айтганларининг ҳаммаси рости. У Абу Алига сарпо бериб, элчини қайта юбориб, деди:

- Бориб Абу Алига айтгин, Кирмон лашкарини йигиб, вилоятни айлансин ва фалон ойда Кўчи балуж яқинидаги Кирмон чегарасига қелсин ва шу ерда манзил тутсин, кейин бизнинг элчимиз етиб бориши билан фалон жойга қўчиб борасан ва Кўчи балуж вилоятига бостириб кириб, уларнинг ёш йигитларини омон қўймайсан, ёшу қарининг мол-мулкини тортиб олиб, ҳайдаб юборасан. Мен бу ерда улар талон хилган даъвогарлар ишини халқ этай. Сен улар билан аҳду қарорни мустаҳкамлаб қел. Султон Махмуд Абу Али элчисини жўнаттиргач, Кирмон тарафга йўлга чиқаётган савдогарлар тайёргарлик қўриб, молларини жойлаштирсинлар. Мен қафил бўлиб, ваъда бераманки, агар Кўчи балуж ўғрилари уларнинг молларини тортиб олишса, мен хазинадан тоvon тўлайман, деб жар қолдирди.

Бу хабар оламга тарқалгач, ҳар тарафдан қўплаб савдогарлар йўлга қикдилар, уларнинг сони беҳисоб эди. Шундан кейин Махмуд савдогарларни қўзатиб, бир амирни бир юз эллик суворийга бошлиқ этиб, уларнинг қўнгилларини қўтариб деди: «Хотиржам бўлинглар, мен кетингиздан лашкар юбораман». Шу жамоага йўлбошчи бўлган ўша амирни олдиға қақириб, бир шишада унга ўткир захар бериб, деди:

- Исфакхонға етганиндан сўнг ўн кун ўша ерда манзил тут, токи бу шахарға қеладиган савдогарлар ишларини битириб, сенинг суҳбатингға қелсинлар. Шу ўн кун давомида ўн хирвор Исфакхон олмасидан сотиб ол. Олмаларни туяларға қўлаб, жўнаш вақтида савдогарлар қарвонига қўшилиб борасан. Ўша манзилға етиб қелганинда ҳамма олмаларни қайлага олиб бориб тўқ. Ҳар бир олмани бигиз билан тешиб захарлаб

кўйгин-да, кейин олмаларни саватларга сол. Эртасига саватларни туяларга юклаб, карвон билан йўлга чик. Ўғрилар карвонга хужум килсалар, сен улар билан уришма, чунки улар кўпрок, сиз эса камчиликсиз. Сен куролланган ҳамма суворий ва пиёдаларни олиб, тезлик билан ярим-бир фарсангча ёки кўпрок оркага кайтасан. Бирор соат кутиб туриб, кайта ўғриларга хужум этасан. Ишонаманки, кўплари олмани еб халок бўладилар. Сен бориб кўлингдан келганича киличдан ўтказ. Сўнг ўн нафар отликни Абу Али хузурига юбориб, уни Кўчи балуж ўғрилари ахволидан хабардор эт. Шундан кейин айёр ўғри ва йўлтўсарлардан холи бўлган вилоятда ўз лашкаринг билан талон-торож кил, ёш ва барно кулларни кўлга кирит. Ниманики буюрган бўлсам, ижро этиб, карвонни сог-саломат Кирмон чегарасига олиб бор. Агарда Абу Али билан боғлансанг, унинг фармонига итоат килишига амин бўласан, чунки юрагим шундан гувоҳлик берапти. Аллох мадади ила ўша йўллар киёматгача мусулмонлар учун очик ва хавфсиз бўлади. Амир Махмуд хузуридан чикиб, карвонни олиб, Исфахонга келди ва ўнта туяга олма юклаб, Кирмон томонга йўл олди. Ўғрилар ҳам Исфахонга жосус юбориб, бир карвон келаётганлигини ва бундай карвонни хали ҳеч ким учратмаганлигини билдирдилар. Уларнинг факат бир юзу эллик суворий турклардан иборат кўрикчилари бор эди, холос. Улар жуда ҳам хурсанд бўлдилар. Кўчи балужда бўлган эркак ва йигитларни чакириб олиб, тўрт минг куролли киши билан йўлга чикиб, карвонни кутиб турдилар. Карвон манзилга етиб келганида одамлар:

- Бир неча минг ўғри йўлларингизда сизни кутиб туришибди, - дейишди.

Амир сўради:

- Шу ердан уларнинг жойигача канча фарсанг келади?

- Беш фарсанг.

Карвондагилар бу жавобни эшитиб, жуда гамгин бўлиб, шу ерда кўндилар.

Намозидигардан кейин амир хаммани чакириб деди:

- Эй одамлар, жон ширинми ёки мол?

- Жон, - жавоб беришди улар.

- Сизларда мол бор, биз жонимизни сиз учун курбон киламиз ва ҳеч гам чекмаймиз.

Нега сиз бадал бўладиган ҳар бир нарса учун кайгураяпсиз. Ахир, Махмуд мени ҳам бир иш учун юборган. У на сизларга ва на менга касд килиб ўлимга юбормаган. Бунинг тадбири шундай: Дайри Кажинга олиб юборилган мол аёлникидир ва аёл ўз молини бу ўғрилардан тортиб олади. Сиз молларингизни Махмуд уларга беради деб ўйлайсизлар. Хотиржам бўлинглар, Махмуд сизлардан гофил эмасдир. Эртага бизга унинг ёрдами тегиб, ишимиз, иншоаллох, яхши бўлади. Аммо сизлар менинг айтганимни килишларинг керак, шунда нажот топасизлар.

Одамлар бу сўзларни эшитиб, хурсанд бўлиб, жасоратлари ошиб:

- Нима буюрсанг, ўшани бажарамиз, - дейишди.

- Кимнииг куроли бўлса, уруш килишни уддаласа, менинг олдимга келсин.

Уларни санади, ўз лашкари билан бир юзу етмиш суворий ва пиёда тўпланган экан.

- Бу кеча кўчсак, ҳамма отликлар мен билан карвоннинг бошида бўлади. Пиёдалар карвоннинг оркасида юрсинларки, ўғриларда шундай одат бор, улар молни олгач, одамни ўлдирмайдилар. Ким улар билан уришиб тўкнашса, халок бўлади. Эртага куёш икки найза тепага кўтарилгандан кейин уларга етиб олишимиз керак. Улар карвонга хужум киладилар, мен оркага чекинаман. Сизлар ҳам менинг кочганимни кўрганингиздан кейин оркага кочинг. Биз улар билан номига жанг киламиз ва сизлар ярим фарсанг кетганингиздан кейин биз ҳам келиб сизларга кўшиламиз. Бирор соатдан кейин

биргаликда кайтиб келиб, уларга хужум киламиз. Шунда ажойиботни кўрасизлар. Менинг фармоним шу. Бу ишда мен биладиган нарсани сиз билмайсиз. Эртага сизлар менинг билганимни кўриб, сўзларим чин эканлигига ишонч хосил киласиз ҳамда Махмуднинг химмати маълум бўлади.

Хамма худди шундай киламиз, деди.

Тун кирганда амир олмаларнинг хаммасини захарлаб, саватларга солиб кайта юклади. Бешта одамили шу олма ортилган туяларга жавобгар этиб тайинлаб, деди:

- Биз кетганда ўғрилар карвонга хужум этсалар, хамма олмали юкларни тушириб қўйиб, саватларни очиб қўйинглар ва ўзларинг кочинглар.

Тун яримда у кўчишга фармон берди. Шу йўсинда кетдилар. Тонг отиб, куёш икки найза баландликка кўтарилди. Ўғрилар уч томондан карвонга тиг тортиб хамла эта бошладилар. Амир уларга бир-икки каршилиқ кўрсатгач, бир нечасини ўкка тутганича коча бошлади. Пиёдалар хам ўғриларни кўрган захоти оркаларига кочдилар. Амир ярим фарсанг масофада пиёдаларга етиб олди, хамма йигилди. Ўғрилар кам кишидан иборат гуруҳнинг кочишини кўриб хурсанд бўлишди. Хотиржамликда моллар билан машгул бўлдилар. Олма солинган хирворларни кўришлари билан ўзларини унга уриб, катта иштаха билан ея бошлашди. Олма топмаганларга хам етказиб бердилар. Олма емаган киши жуда оз колди. Бир соат ўтгандан кейин кетма-кет йиқилиб, ўла бошладилар. Пешиндан икки соат ўтгандан сўнг ўша амир ёлғиз ўзи бир тепага чиқиб, ўғрилар тарафига назар солиб, дашт ўликларга тўлганини кўрди. Хурсанд бўлиб пастга тушиб: «Эй одамлар, хушхабар бор. Султон Махмуднинг мадади билан ўғрилар битта хам колмай нариги дунёга жўнашиб-ди. Энди, эй ботирлар, шошилинг, токи бошқалари тирик қолиб кетмасинлар», деди. Амир ўз одамлари билан карвон тарафга от сурди. Пиёдалар хам унинг оркасидан тушдилар. Карвонга етиб бориб, сахрода ёйилиб ётган ўликларни ва киличу калкон, найзаю зубинлар, камонларни кўрдилар. Пиёдалар хам амирга қўшилиб икки фарсанггача ўғриларни кувиб бориб, колганларини хам ўлдирдилар. Ўғриларнинг ахволдан вилоятларига хабар бериши мумкин бўлган бирор киши колмади. Амир буйруқ бериб, хамма куролларни териб олди. Бир неча харвор бўлди. Карвонни хам манзилига олиб борди. Хеч кимга заррача зиён етмади. Хамма хурсандликдан терисига сигмас эди.

Шу манзилдан Абу Али Илёс жойигача бўлган йўл ўн икки фарсанг эди. Амир ўнта кулини Махмуд мухри билан унинг олдига юбортириб, ўғрилар воқеасидан хабардор этди. Махмуд узугини қўлига олиб, Абу Али лашкари билан кўркмасдан Кўчи балуж вилоятига бостириб кирди. Амир хам унга қўшилди. Ўн мингдан кўпроқ эркакларини ўлдириб, бир неча минг динорни улардан тортиб олдилар. Сон-саноксиз бойлик, курол-аслаха ва моллар қўлга киритилди. Абу Али ўша амир оркали бойликларни Махмудга юборди. Махмуд хамма ерга жар солди:

«Мен Ирокка келдим. Кўчи балужда кимнинг нарсаси тортиб олинган бўлса, келиб мендан товонини олсин!»

Даъвогарлар келиб, хурсанд бўлиб кайтиб кетдилар. Шундан кейин эллик йил давомида кўчманчиларнинг бирор киши бошида карокчилик фикри пайдо бўлмади.

Сўнгра Махмуд хамма жойга сохибхабар ва мунхийларни (хабаркаш ва жосусларни) қўйди. Шу билан у бирор киши нохалик билан бировнинг бир товугини тортиб олса ёки бирор кишини бекорга хафа килса, Газнида туриб хабардор бўларди ва унинг жазосини берарди.

Кадимдан подшоҳлар бу тартибни сақлаб келардилар, факат салжуклар бу ишга кўнгли

кўймай, ахамият бермадилар.

Абулфазл Сагзий султони шакид Алпарслондан сўраган экан:

- Нега сохибхабарларинг йўк?

- Менинг мулкимни хароб қилиб, яқинларимни мендан ажратиб олмокчимисан? - деди султон.

- Негача?

- Агарда мен бирор сохибхабар қўйсам, унда мен учун дўст ва душман бир хил бўлади.

Дўстларим ва эътимодли кишилар сохибхабарга ҳеч тазйик қилмай, пора ҳам бермайдилар. Аммо муҳолиф ва душман бўлганлари у билан яқинлашиб, молу пул, пора берадилар. Шундай экан, сохибхабарлардан дўстлар хақида ёмон хабарлар келиб, душманлар хақида эса яхши сўзлар айтилади. Яхши ва ёмон сўз мисоли ўқ ва охирида нишонга тегади. Шу сабабли ҳар куни дўстларимиздан кўнглимиз қолиб, душманларга нисбатан меҳримиз ошади. Сўнг тез орада дўстлар биздан узоклашадилар-у ёмонлар бизга яқинлашади. Натижада, таркоклик, ҳалал ва тартибсизлик пайдо бўлади. Унинг иложи жуда ҳам қийинчилик билан ечилади.

Аммо сохибхабар ва баридларнинг бўлишлари подшоҳликнинг бир қоида-сиридир. Агарда улар керакли даражада ишонарли кишилардан иборат сохибхабар бўлсалар, кўнгли ором топади.